

ДЕМОКРАТИЯ ВА КЕНГАШ ИНСТИТУТИ

Ахмедов Тўйчи Адашевич,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Аннотация: Ушбу мақолада кенгаш институтининг демократик тизимдаги афзалликлари ёритилади. Демократик давлат бошқарувида халқ ҳокимиятчилиги ифодаланади. Ҳар бир қабул қилинадиган қарорда кўпчилик хоҳиши устувор ҳисобланади.

Калит сўзлар: Демократия, кенгаш, бошқарув, давлат, суд ҳокимияти, парламент, қарор, ижро ҳокимияти, маслаҳат, фуқаро, халқ.

Аннотация: В данной статье освещаются преимущества института совета в демократической системе. Народная власть представлена в управлении демократическим государством. В каждом решении превалирует воля большинства.

Ключевые слова: Демократия, совет, управление, государство, судебная власть, парламент, решение, исполнительная власть, совещание, гражданин, народ.

Abstract: This article highlights the advantages of the council institution in a democratic system. People's power is represented in the administration of a democratic state. The will of the majority prevails in every decision.

Keywords: Democracy, council, management, state, judiciary, parliament, decision, executive, consultation, citizen, people.

Демократия халқ ҳокимияти ҳисобланади. Унинг мазмун-моҳияти қарор қабул қилишда кўпчиликнинг хоҳиши бирламчи ўринда туради. Демократик бошқарувни ташкил этишнинг муҳим механизмларидан бири кенгашлардир. Кенгаш узок асрлар давомида демократик институт бўлиб келган. Шу боисдан бугунги кунда ҳам демократик ислохотлар кенгашларни ривожлантириш орқали янада такомиллашади.

Демократия шароитида бошқарувда кенгашиб иш кўриш кўп жиҳатдан хатоларни камайтиради. Шу боисдан кенгаш асосида қарор қабул қилиш



давлат ва жамият бошқарувида бир нечта жиҳатлар мавжуд бўлишини тақозо этади¹:

Биринчидан, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш учун шакллантирилган алоҳида органларнинг зарурлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади. “Парламент – демократия мактаби”, деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак. ...Чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувлар аввало шу ерда – парламент минбарида бўлиши керак”². Шунинг учун парламентга зарурат мавжуд.

Иккинчидан, суд ҳокимиятини амалга ошириш учун чақирилган органларга эҳтиёж. Муҳим масалалар бўйича чиқарилган қарорлар судларнинг коллегиял маслаҳатлари асосида амалга оширилади. Ҳукм айбланувчига ҳам, жабрланувчига ҳам ортиқча ён босишга хизмат қилмаслиги керак. Судлов ҳайъатлари ёки суд пленумидан ташқари, энг қуйи бўғиндаги судларда ҳам суд маслаҳатчилари фаолият юритиши объектив ҳолат.

Учинчидан, ижро ҳокимияти органларининг фаолиятини назорат қилишнинг зарурлиги. Ижро ҳокимияти фаолиятида ҳам коллегияликка зарурат бор. Чунки ижро механизми жорий ҳолатларни мунтазам равишда муҳокама қилиб боришни тақозо этади. Ижро жараёнида бирон масалани ҳал этиш муддатини бир неча ойдан сўнг муҳокама қилиш мумкин эмас. Масалан, бозордаги нарх-наво, озиқ-овқат таъминоти, табиатни асраш, жиноятчилик ва ҳоказо. Шу боисдан вазирликларда коллегиял бошқаруви кенг тарқалган.

Тўртинчидан, илғор бошқарув билим ва тажрибасини жорий этиш зарурати. Бизнингча энг илғор бошқарув услубларини жорий этиш билан боғлиқ концепциялар сиёсий таълимотларнинг асосий муаммоси бўлган. Бошқарув ҳам ўзига хос илм. Унинг доимий равишда ривожлантириш учун тадқиқотларга зарурат юзага келади. Айни вақтда президентлик институти, қонун чиқарувчи ва, ижро этувчи ҳокимиятлар ҳузурида тегишли соҳа муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқот марказларини ташкил этилганлиги соҳага оид илмий асосланган таклифлар тайёрлаш эҳтиёжи билан боғлиқ.

¹ Сущность коллегияльности в управлении

[//https://spravochnick.ru/gosudarstvennoe_i_municipalnoe_upravlenie/ponyatie_kollegialnosti_v_upravlenii/](https://spravochnick.ru/gosudarstvennoe_i_municipalnoe_upravlenie/ponyatie_kollegialnosti_v_upravlenii/)

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси//<https://uza.uz/uz/posts/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017>



Бешинчидан, ҳокимиятнинг турли бўғинлари томонидан қарорлар қабул қилишда хато ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш зарурати. “Қарор – бу у ёки бу йўлни танлаб олишда бир тўхтамга ёки муайян бир фикрга келишдир”³. Бошқарувда белгиланган мақсаднинг самараси унинг амалга оширишга доир чиқарилган қарорга боғлиқ. Қарор ташкилот ёки ходимлар фаолиятининг мазмунини, самарали ёки самарасизлигини белгилаб беради⁴. Бошқарувда қарорлар қабул қилишда хатоларни олдини олиш учун маслаҳат услубидан фойдаланиш тавсия этилади. Унда ташаббускорлик рағбатлантирилади, қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкони яратилади⁵. Кенгашдаги муҳокамаларда билдирилган таклифларнинг энг мақбулини танлаш биринчи раҳбарга боғлиқ⁶.

Олтинчидан, жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини ҳисобга олишни таъминлаш. Аҳоли қатламлари ҳар доим сиёсий ҳокимият олдида ўзининг талабларини кўяди. Жамият манфаатларини мувозанатга солиш ҳокимият учун муҳим вазифа ҳисобланади. Демократия шароитида озчиликдан иборат миллатлар ёки аҳоли қатламларини ҳисобга олиш муҳим тамойилдир. Кенгаш ҳар бир қатлам вакилларини ўзида ифода этади. Шу боисдан миллий парламентларда турли қатлам вакилларини ифода этадиган сиёсий партияларнинг фракциялари фаолият юритади. Ёшлар парламенти ёки хотин-қизлар комиссияларининг тузилиши кенгаш институтида барча қатламлар манфаатларини ифодалаш мақсадидан келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтсак, замонавий кенгашларга асосланган бошқарув демократиянинг ривожланишини асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир бўғиндаги бошқарувда ходимларнинг таклифлари ва маслаҳатлари қарорларнинг самарадорлигини белгилаб беради.

³ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. –Т.: Ўқитувчи, 2001. –Б. 349.

⁴ Холов А. Самарали қарор қабул қилишнинг ишлаб чиқаришга таъсири // “Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш истикболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Академия, 2014. –Б. 70-74.

⁵ Матмуродов Ф. Маъмурий менежмент. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – Б. 103.

⁶ Тўйчи Адаш ўғли. Бухоро хонлиги бошқаруви тизимида кенгаш институти (XVI аср). –Т.: Turon-Iqbol, 2016. –Б. 200.

